



Гидросфера ва унинг экологик муаммолари.

- Ер юзасидаги сув миқдорининг 93-96% ни океан ва денгиз сувлари, 1,65% ни музликлардаги сувлар, 4,12% ни ер ости сувлари, 0,026% ни кўл сувлари, 0,001% ни атмосфера сувлари, 0,0002% ни дарё сувлари,

- 0,0001% ни ўсимлик ва жонли мавжудотлар танасидаги сувлар ташкил қилади.
Буларнинг ичида чучук сувлар фақат 2% га яқин миқдорни ташкил этади

- Гидросферадаги сув доимо ҳаракатда бўлиб, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради..

- Ер юзасида йилига 520 минг км³ сув буғланиб, атмосферага кўтарилади ва тўйиниб, ёғин тарзида яна ер юзасига қайтиб тушади

- Ёғин сувларининг бир қисми яна буғга айланади, бир қисми ерга шимилиб, ер ости сувларини ташкил қилади, бир қисми дарёларга оқиб тушади.

- Сатх текислиги, ўрмон билан қопланиши, тоғ жинсларининг сув ўтказувчанлиги ошган сари ёғин сувларининг дарёга оқадиган қисми камайиб боради. Атмосфера ҳарорати ошган сари, сувнинг буғланиши ошиб боради.

- Эстонияда олинадиган чучук сувнинг 3% буғланишга сарфланса, Туркменистонда унинг 25% сарфланади. Ер куррасида сувнинг бетўхтов айланиши натижасида дунё океанлари суви 3000 йилда, кўллар 7 йилда, дарё сувлари 12-31 кунда бир марта алмашилиб, янгиланиб туради.

- Дарё, кўл, сув омборлари атрофидаги ер ости сувлари ер устки сувлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда бўлиб, саёз жойлашади. Улар асосан чучук бўлиб, таркиби ер устки сувларининг таркибига боғлиқ бўлади. Уларнинг 100 м чуқурликкача бўлган қисмида ер ости сувларининг буғланиб, булоқлар ҳолатида чиқиб, қайта алмашилиб туришига бир неча йиллар кетади.

- Ер ости сувларининг чуқурлиги ошган сари уларнинг тезлиги, ташқи муҳит билан алоқаси камайиб, алмашилиб туришига бир неча минглаб йиллар кетади. Шунинг учун 300-500 м дан чуқурда ётган ер сувларининг табиий тўйиниши, йўқотган миқдорини қайта тикланиши ниҳоятда секин боради.